Инв.
Гос. книжная палата УзССР


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 72 (8.656) ◆ 1995 йил 23 июнь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*Леонид КУЧМА:*

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИГА ЮКСАК БАҲО





*СУРАТЛАРДА: ҳужжатларни имзолаш маросими ва Тошкент аэропортида кузатиш маросими.*

Р. Жуманиёзов тасвирга олган.

Украина Президенти Леонид Кучма мамлакатимизга ташрифининг иккинчи куни Украин маданияти маркази фаоллари билан учрашиш учун Ўзбекистон байналмилал маданий марказига келди. Бу ерда олий даражали меҳмонга мамлакатимизда истиқомат қилаётган украин миллатига мансуб фуқароларнинг «Батквишина» маданий маркази раиси Станислав Мансуров-Кавригенко ҳамда марказнинг бир гуруҳ фаоллари пешвоз чиқди.

Ўзбекистон байналмилал маданий маркази республикамизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг ўз миллий анъаналарини ривожлантириши, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фаол иштирок этишини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Марказ директори К. Расулов Украина Президентини кўп миллатли Ўзбекистон халқининг бирлиги ва биродарлиги рамзи бўлган ушбу дўстлик уйига ташрифи билан қизғин кутлади. «Батквишина» украин маданий маркази раиси С. Мансуров-Кавригенко, марказ фаолларидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист З. Соловей, тиббиёт фанлари доктори Е. Прусс, иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси В. Романенко олий мартабали меҳмонга республикамизда яшаётган украинларнинг жамият ҳаётида иштироки, уларнинг ўз миллий ва маданий қадриятларини ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари хусусида сўзлаб бердилар. Украина Президентининг расмий ташрифи икки мамлакат халқларининг вақт синовидан ўтиб, таркиб топган дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Украина давлат раҳбари Ўзбекистонда яшаётган украинлар учун мамлакатнинг барча фуқаролари қатори тенг шароит ва имкониятлар яратилганидан мамнун эканини изҳор этар экан, уларнинг миллий анъаналарини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш, фуқаролараро тотувлик барқарор бўлиши йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

* * *

Украина Президенти Леонид Кучма шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Миллий боғга ташриф буюрди.

Олий даражали меҳмон бу ерда халқлар орасидаги дўстлик ва тотувликни, жамики эзгу инсоний фазилатларни улуғлаб куйлаган буюк мутафаккир шоир ҳамда давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

* * *

21 июнь куни Украина Президенти Леонид Кучманинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу ерда меҳмонлар хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан хайрлашдилар.

Украина Президенти Леонид Кучма ҳамда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шоҳсупага кўтарилди. Украина ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари янгради.

Икки мамлакат раҳбарлари миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Украина Президенти Леонид Кучма ташрифнинг расмий қисми ниҳоялагач, Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкентдан қадимий Самарқанд зиёратига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Республика Бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни Украина Президенти Леонид Кучма билан унинг рафиқаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва рафиқаси ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Ҳар икки давлатлар байроқлари билан безатилган Самарқанд аэропортида юксак мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Туронзаминнинг буюк ўтмишидан ёдгорлик бўлмиш Самарқанд зиёрати мамлакатимизга ташриф буюрган кўплаб давлат ва ҳукумат раҳбарларининг кун тартибидан жой олиши бежиз эмас. Зеро, Самарқандга қадам қўйибгина ушбу кўҳна заминда не-не улуғ зотлар ўтгани, илму фан, маданият, санъат ва ҳунармандчилик юқори даражада равнақ топганини ҳис этиш мумкин. Шу боис Украина Президенти Самарқанд зиёратини аллома Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гулчамбар қўйишдан бошлади. Украина давлати раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида фалакиёт илмидаги кашфиётларга йўл очган Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг мемориал музейи билан танишди.

Олий мартабали меҳмонлар шаҳардаги Сиёб бозорига ташриф буюриб, шарқона бозорнинг тўкин-сочин расталарини кўздан кечирдилар, деҳқонлар ва сотувчилар билан суҳбатда бўлдилар.

Афсонавий Регистон майдонида савлат тўкиб турган тарихий обидаларнинг бетакрор нақшу нигорлари, жилвакор кошинлари, Амир Темур мақбарасининг ўзига хос шукуҳи ва улуғвор сукути олий мартабали меҳмонлар тасаввурида ўтмиш воқеаларини гавдалантиргани шубҳасиз. Бугун ушбу буюк ўтмиш ворислари мамлакат истиқлоли йўлида меҳнат қилиб, ўнлаб хорижий давлатлар билан тенг ва манфаатли ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

«Ҳар икки мамлакатнинг бой тарихи, уларнинг истиқболи ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг муштараклиги бугунги ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам пойдевор яратади», деб таъкидлади Украина Президенти Леонид Кучма журналистлар билан суҳбатда.

— Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама устивор йўналишларга эгадир, — деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов. — Украинанинг иқтисодий-сиёсий салоҳияти ва фан-технология соҳасидаги имкониятлари ўзаро ҳамкорлигимиз муваффақияти учун муҳим омилдир.

Украиналик олий мартабали меҳмонлар тарихий ёдгорликларни таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, маҳаллий кандакорлар, мисгарлар ва каштадўзларнинг маҳоратлари билан ҳам танишдилар.

Регистон майдонида Украина Президенти Леонид Кучма ўзбекистонлик бир гуруҳ иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига «Украина озод этилганининг 50 йиллиги» медали ва эсдалик совғаларини топширди.

— Украина заминини фашист босқинчиларидан озод этишда ўзбекистонлик жангчиларнинг кўрсатган жасоратини ҳеч қачон унутмаймиз, — деди Леонид Кучма. — Урушнинг оғир йилларида халқларимиз ўртасидаги дўстлик катта синовдан ўтган эди. Бундан буён ушбу дўстлик янада мустаҳкамланишига аминман.

Самарқанд вилояти ҳокимлигида юксак мартабали меҳмонлар шарафига зиёфат берилди.

Шу куни Украина раҳбари ўз ватанига жўнаб кетди. Самарқанд аэропортида Украина Президенти Леонид Кучма билан рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва рафиқаси кузатиб қолди. Кузатиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Кузатувчилар орасида Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. Сметанин ҳам бор эди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

***

*Хабар қилинганидек, 20 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма ўзаро музокаралар ниҳоясида маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашди.* Ислом Каримов икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга тўхталар экан, азалий ҳамкорлик мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан сўнг янгича асосда ривожланаётганини таъкидлади.

— Айни пайтда республикамизда уруш йиллари Украинани озод қилишда иштирок этган 25 мингдан зиёд фахрийлар бор, — деди Ислом Каримов. — Мамлакатимизда 200 минг нафардан зиёд украин миллатига мансуб фуқароларимиз истиқомат қиладилар. 1966 йилги Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатишда украиналиклар берган ёрдам ёдимизда. Бу фактлар икки мамлакат халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги бой тарихга эга эканидан дарак беради.

Президентлар ташриф якунлари хусусида сўзлар эканлар, унинг ғоят самарали кечганини, умуман Ўзбекистон билан Украина муносабатлари кенг кўламда муттасил ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этдилар.

Дарҳақиқат, 1994 йилда 90 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлган ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми 1995 йилда 260 миллион долларга етиши юқоридаги фикрнинг исботидир.

Ўзбекистон ва Украина давлатлари раҳбарлари музокаралар чоғида ҳар икки мамлакатнинг халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндошуви умумий экани аён бўлганини маълум қилдилар.

— Биз Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда, хусусан, Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ташаббусларини юксак баҳолаймиз, — деди, жумладан, Президент Леонид Кучма. — Украина Президент Ислом Каримовнинг Тошкентда БМТнинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган доимий семинарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифини ҳам қўллаб-қувватлайди.

Журналистлар ҳар икки мамлакатда кечаётган ислоҳотлар жараёнининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини билишга қизиқдилар. Ислом Каримов бу саволга жавоб қайтарар экан, дунё мамлакатларида бир бирига айнан ўхшаш вазият мавжуд эмаслигига, ислоҳотлар йўлини белгилаётган давлат унинг муваффақиятини таъминлаш учун албатта маҳаллий шароитдан келиб чиқиши зарурлигига эътиборни қаратди. Ўзбекистон ислоҳотларни амалга оширишда жаҳон тажрибаси билан бир қаторда, ана шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олиб ҳаракат қилмоқда.

Украина давлат раҳбари Ўзбекистон истиқлолга эришгач, бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки босқичиданоқ бошқаларга ўхшаб бузиш эмас, яратиш йўлини танлаб тўғри қилганини таъкидлади. Ўтиш давридек мураккаб жараён кучли ижро ҳокимиятини тақозо этишини қайд этди. Буни инобатга олмай, ҳаммасини бозор мувофиқлаштиради, деб ўйлаганлар бугунги кунда Ўзбекистон йўли мақсадга мувофиқлигига амин бўлаётганини эътироф этди.

— Мен ўзаро суҳбатлар чоғида устоз қошидаги шогирддек Президент Ислом Каримовдан кўпгина соҳаларда, жумладан жиноятчиликнинг олдини олиш борасида муваффақиятларга қандай эришилгани хусусида сўраб билишга интилдим, — деди Президент Леонид Кучма. — Зеро, биз ҳам ислоҳотларнинг амалий натижаларига эришиш истагидамиз.

Орол ва Чернобиль асримизнинг энг йирик экологик муаммоларидандир. Журналистларнинг икки мамлакат бу йирик муаммоларни ҳал этиш борасида қандай ҳамкорлик қилиши мумкинлиги хусусида саволига Ўзбекистон раҳбари қуйидагича жавоб қайтарди:

— Сайёрамизнинг йирик экологиявий муаммоларини алоҳида давлат ўзича ҳал эта олмайди. Халқаро ҳамжамият, хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мазкур масалани ҳал этишда бу мамлакатларга кўмаклашиши керак. Яқинда Жаҳон банки Орол муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш мақсадида, Ўзбекистонга 40 миллион доллар миқдорида ёрдам ажратди. Шу йил 15 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида Нукусда Орол ва Оролбўйи муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилади. Матбуотда эълон қилинган маълумотларга қараганда, Чернобиль муаммосини ҳал этиш 3 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфлашни талаб этади. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ муаммони биргаликда ҳал этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма журналистларнинг икки мамлакат ўртасидаги тўловлар, МДҲнинг келажаги, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари ҳамда халқаро муаммолар билан боғлиқ бошқа кўплаб саволларига ҳам жавоб қайтардилар.

**(ЎзА).**

---

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг таклифига биноан, Украина Президенти Л. Кучма 1995 йил 20-21 июнь кунлари Ўзбекистонда бўлди.*

# ҚЎШМА АХБОРОТ

Ташриф чоғида дўстона давлатларнинг Президентлари икки томонлама ҳамкорликка доир кўплаб масалалар, ҳар иккала томонни қизиқтираётган халқаро муаммолар юзасидан музокара олиб бордилар. Улар бир-бирларини ўз мамлакатларидаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, давлатчилик ва миллий мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар билан таништирдилар.

Давлат бошлиқлари Ўзбекистон билан Украинанинг бир-бирига яқинлашиш сари тобора кучайиб бораётган ҳаракатини, ўртада мунтазам сиёсий мулоқот ўрнатилганини, бу мулоқот вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа тузилмалар иштироки ҳисобига, томонларнинг Ўзбекистон—Украина муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлларини излашга интилаётгани туфайли янада кенгайиб бораётганига ижобий баҳо бердилар.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги анъанавий сиёсий ва иқтисодий алоқалар, кўпгина долзарб масалалар бўйича Президентларнинг қарашлари ўхшашлиги ва яқинлиги томонларнинг МДҲ доирасида, халқаро ташкилотларда ҳамкорлик қилиш зарурлигини тушуниб етиши — икки томонлама ҳамкорликнинг барча имкониятларидан миллий манфаатларни кўзлаб, тўла ва самарали фойдаланишга ва муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга имкон бераётгани таъкидланди.

Музокара иштирокчилари Ўзбекистон—Украина муносабатларининг ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан улар ташриф чоғида бир қанча битимнинг имзоланишини, шу жумладан, Ўзбекистон—Украина ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўллари тўғрисидаги Декларация, Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳамда Ўзбекистон билан Украина ҳукуматлари ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги, илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ва бошқа айрим битимларнинг имзолангани муҳим аҳамиятга моликлигини таъкидладилар. Президентлар мазкур ҳужжатлардаги қоидаларнинг амалга оширилиши ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли тармоқларидаги муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашади, деб ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон — Украина савдо-иқтисодий муносабатларига доир масалалар музокараларда устивор ўринда бўлди. Президентлар эътиборни иқтисодий ҳамкорлик соҳасида фойдаланилмаётган катта имкониятларга қаратдилар ва алоқаларнинг бозор муносабатларига мос келадиган янги шаклларини молия воситаларидан, давлатларнинг саноат ва илмий-техника салоҳиятидан фойдаланган ҳолда ривожлантиришга ёрдам беришга тайёр эканликларини айтдилар. Томонларнинг фикрича, бу жараёнда тўпланган тажриба, миллий Фанлар академиялари тизимларидаги институтлар ва муассасаларнинг илмий ишланмалари ижобий аҳамиятга эга бўлади.

Давлат бошлиқлари кон қазиш саноатида, илм-фанга асосланган технологияларни ишлаб чиқишда, машинасозлик соҳасида, аграр-саноат мажмуида, нефт ва газни биргаликда қидириш ва бу қазилмалардан фойдаланишда ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан саъй-ҳаракатларни давом эттиришга келишиб олдилар.

Ҳар икки томоннинг жаҳон бозорига чиқиш учун замонавий технология билан қўшма тузилмалар барпо этишни рағбатлантириш истаги баён қилинди.

Томонлар имзоланган битимларни, эришилган аҳдномаларни рўёбга чиқаришни, янги лойиҳаларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишни, ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартибини такомиллаштиришни назорат қилишнинг қўшни универсал механизмларини яратишни ёқлашларини баён қилдилар. Ўзаро манфаатли асосда маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажариш юзасидан зарур чоралар кўриш тўғрисида аҳдномага эришилди. Шунингдек, эркин савдо тартибини ўрнатишда изчил ҳаракат қилиш ва Ўзбекистон билан Украина ўртасида имзоланган битимларнинг барча қоидаларига тўла амал қилиш, бу битимларнинг қабул қилинган бошқа мажбуриятлар асосида қайта кўриб чиқилишига йўл қўймаслик тўғрисида келишиб олинди.

Президентлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тараққиётидаги замонавий тамойилларни муҳокама қилдилар, МДҲ фаолиятида иштирок этиш шакллари кўп қиррали бўлишини ёқлаб, давлат ҳокимияти миллий органларининг ваколатларини миллатлардан устун турадиган тузилмаларга топширишга қарши чиқдилар. Улар Тожикистондаги, МДҲ ҳудудидаги бошқа «қонталаш нуқталар»да вужудга келган вазият хусусида фикр алмашдилар, бу жойлардаги мавжуд муаммоларни фақат сиёсий, тинч воситалар билан ҳал қилишни ёқлаб гапирдилар.

Давлат бошлиқлари инсонпарварлик соҳасида, шу жумладан, Украинадаги ўзбекларнинг ва Ўзбекистондаги украинларнинг маънавий ҳамда маданий эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, кўчириб юборилган халқларга ёрдам бериш соҳасида давлатларнинг муносабатларига доимий эътибор беришларини айтдилар.

Томонлар давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар учун анъанавий бўлган дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган ташрифнинг натижаларини ижобий баҳоладилар.

Президентлар ҳозирги ташриф Ўзбекистон—Украина ўртасидаги кардошлик муносабатларини мустаҳкамлашга жиддий таъсир ўтказади, Ўзбекистон ва Украина халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

---

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 150 минг тонна ғалла ҳирмони уюб, давлатга 86 минг тонна дон сотиб, йиллик режани мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарган Фарғона вилояти ғаллакорларини ушбу меҳнат ғалабаси билан табриклади.

❑ Андижон вилояти ғаллакорлари ҳам дон сотиш бўйича давлат буюртмасини бажардилар. Ватан омборига 87 минг тоннадан кўпроқ дон тўкилди.

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан «Кўкдумалоқ» конида газни комплекс тайёрлайдиган қурилмани барпо этиш ва уни ишга туширишни таъминлашда ўрнак кўрсатган «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ва «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси корхоналарининг ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар ва Фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

❑ Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов кеча Иорданиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Валид ал-Саадни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

❑ Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг тўрт йиллиги ҳамда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уларни байрам қилиш ташкилий қўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди.

❑ Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси Уббиниёз Аширбеков бошчилигидаги ишбилармон ва тадбиркорлар делегацияси Самарқандда бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ислоҳотлар тажрибасини ўргандилар.

❑ Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Австриянинг «Алтро» фирмаси халқаро Шароф Рашидов жамғармасига ҳар йили 10 минг доллар миқдорида ёрдам кўрсатмоқда.

❑ Республика байналмилал марказида қирғиз эпоси — «Манас»нинг 1000 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

❑ Халқ таълими вазирлиги қошида республика «Истеъдод» маркази иш бошлади. Унинг бўлимларини вилоят ва туманларда ҳам ташкил этиш мўлжалланмоқда.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Россия парламентининг қуйи палатаси — Давлат думаси ҳукуматга ишончсизлик билдирди. Лекин Россия Президенти Борис Ельцин бу қарор билан келиша олмаслигини ва ўз конституциявий ваколатларидан фойдаланиб Виктор Черномирдин ҳукуматига ишониши тўғрисида баёнот берди. Айни пайтда Россия ҳукумати ҳам ўзига ишонч масаласини Давлат думасида яна бир бор овозга қўйишни талаб қилди. Бундай шароитда Давлат думаси иккинчи бор ҳукуматга ишончсизлик билдирса, Конституцияга мувофиқ Президент ё ҳукуматни, ё Давлат думасини тарқатиб юбориши керак.

❑ Бугун Хитой Давлат Кенгашининг Бош вазири Ли Пэннинг Украинага уч кунлик ташрифи бошланди. У 25 июнь куни Москвага ҳам расмий ташриф билан боради.

❑ Бугун Минскда Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳукуматлараро кенгашининг атроф-муҳит муаммоларига бағишланган икки кунлик мажлиси ниҳоясига етди.

❑ Бугун Грозныйда Россия федерал маъмурлари ва Жохар Дудаев вакиллари ўртасидаги музокаралар давом эттирилади. Ҳозиргача сиёсий масалаларда, хусусан Чеченистонда сайловлар ўтказиш хусусида аниқ бир қарорга келинганича йўқ. Чеченистон томони террорчиликни қоралади ҳамда федерал маъмурларга яқинда Будённовск шаҳрида террорчилик ҳуружини амалга оширган Шамиль Басаевни излаб топиш ва тутиб беришда кўмаклашишга ваъда берди. Сўнгги хабарларга кўра бу шаҳарда 121 киши ҳалок бўлган. Шу муносабат билан кеча Россияда мотам куни эълон қилинди.

❑ Арманистон мамлакатда уч йилдан буён амалда бўлган нонни карточка бўйича сотиш тартибини бекор қилди.

❑ Москвада жамоат тартибини қўриқлаш учун шаҳарга қўшинлар ва ҳарбий техника киритилди.

### ХОРИЖДА

❑ Япония полициячилари ўтган куни «Боинг-747» самолётидаги 365 нафар кишини гаровга олган террорчини уч дақиқа ичида қўлга олишга муваффақ бўлдилар.

❑ Хитой Тайвань президенти Ли Дэнхуэянинг АҚШга ташрифига ижозат берилганлиги муносабати билан ўзининг Америкадаги элчисини чақириб олди. Маълумки, Хитой Тайванни мамлакатнинг таркибий қисми, деб ҳисоблайди ва бу орол яқин орада Хитой билан бирлаштирилиши керак.

❑ Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор либераллар партияси етакчилигидан истеъфога чиққанлигини маълум қилди ва партия раҳбарини сайлаш юзасидан янги сайловлар ўтказилишини талаб этди.

---

*Эски шаҳар ёшаради*



## ИШ ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

Шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмида қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилаётир. Бу ердаги ҳар бир кўча, айниқса Сағбон, Бобожонов, Чимбой-Чиғатой, Форобий, Қорасарой кўчаларида бунёдкорлик ишлари қизигандан қизимоқда. Бузилган уйлар ўрни текисланиб асфальт ётқизилмоқда. Кўчаётган хонадон соҳиблари эса ўзлари учун ажратилган кўп қаватли шинам ва ёруғ уйлардан жой олишяпти.

— Кўчаларнинг торлиги бизни кўп хавотирга соларди, — дейди суҳбатдошларимиздан бири. — Ҳукуматимизга минг раҳмат. Кўчаларимиз кенгайиб ободонлашадиган, кўнглимиз эса хотиржам бўладиган бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, суҳбатдошларимиздан яна бирини саволга тутдик.

— Кўп йилдан буён шу ерда яшайсизми?

— 25 йилдан бери, яқинда уйимизга келин келди. Аммо тўй ўтгунча жуда қийналдик. Чунки кўчаларимиз тор-да.

Ўтган ҳафтада юртбошимиз келиб, Эски шаҳарда қилинаётган ишларни кўриб кетдилар. Оилалар, қурувчилар билан суҳбатлашдилар. Ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар...

Шундан кейин қурилиш ва таъмирлаш ишлари бораётган Чимбой-Чиғатой кўчасига йўл олдик. Бу ерда «Тошмуҳандисқурилиш» трестининг 37-қурилиш бошқармаси ишчилари меҳнат қилишяпти. Йўлнинг 300 метрдан зиёдроғига асфальт ётқизилиб қўйилган. Кичик кранлар, бульдозерлар тинимсиз гувиллаб ишламоқда.

— Чимбой-Чиғатой кўчаси таъмирланиб ва қайта қурилиб Форобий кўчасига уланади, — дейди иш юритувчи Қурбон Шерматов. — Шу ердаги барча ишларни, коммуникация йўллари, газ, телефон, электр симларини ўтказиш, асфальт ва бетон ариқчаларни ётқизиш каби юмушларни тўлиқ амалга ошириш бизнинг зиммамизда. Кўчанинг узунлиги 900 метр бўлиб, ҳозирда унинг 300 метрдан ошиғини тўлиқ ишловдан чиқардик. Ҳар куни 30-40 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилаяпти. Бригадир Вағиф Азизов, пайвандловчи Виталий Троменшлейгер, 73-механизациялашган бошқармасининг экскаваторчиси Ислом Кафутулев ва Сергей Руснаклар барча ишларни аъло даражада бажаришмоқда. Ишимизни яхши йўлга қўйишда уларнинг кўпкасблиликка эга бўлганликлари ёрдам бераётир. Чунки Эски шаҳарнинг кўчаларидан ўтган кабель симлари, қувурлар гоҳо кунлаб ишга зарар етказиши мумкин. Ана шундай вақтда улар асосий уланган нуқталарни топиб, ишни тезлаштиришмоқда. Бундан ташқари кўчиб кетаётган аҳолидан ҳам ёрдамимизни аямаётирмиз.

Гулзода МАМБЕТОВА.

